



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Махмудов Азизхўжа Зиёдуллаевич –
ТДАУ мустақил тадқиқотчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a83

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими муаммолари ва уларни бартараф этиш имкониятлари ёритилган. Қишлоқ хўжалигини “тартибга солиш”, “қўллаб-қувватлаш” тушунчаларининг талқинлари, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими, Ўзбекистон Республикаси ва алоҳида қишлоқ хўжалиги тармоғида асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг солиштирма таҳлили берилган ва иқтисодий ўсишининг ўртача даражаси ва қишлоқ хўжалиги тармоғида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг капитал сиғими даражаси ICOR модели ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, “тартибга солиш”, “қўллаб-қувватлаш”, асосий капитал, инвестиция, ICOR модели.

ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Махмудов Азизхўжа Зиёдуллаевич –
Независимый исследователь ТГАУ

Аннотация. В статье описаны проблемы системы государственной поддержки сельского хозяйства и возможности их устранения. Даны трактовки понятий «регулирующее» и «поддерживающее» сельское хозяйство, рассмотрена система государственной поддержки сельского хозяйства, сделана сравнительный анализ источников финансирования инвестиций в основной капитал в Республике Узбекистан и отдельной сельскохозяйственной отрасли. Рассчитывались с использованием модели ICOR средний уровень экономического роста и уровень капиталоемкости для поддержки экономического роста в сельском хозяйстве. Также были даны предложения и рекомендации по совершенствованию системы государственной поддержки сельского хозяйства.

Ключевые слова: сельское хозяйство, продовольственная безопасность, «регулирование», «поддержка», основной капитал, инвестиции, модель ICOR.

PROBLEMS OF IMPROVING THE SYSTEM OF STATE SUPPORT FOR AGRICULTURE

Makhmudov Azizxuja Ziyodullayevich –
Independent researcher of the TSAU

Abstracts. The article describes the problems of the system of state support for agriculture and the possibilities of their elimination. Interpretations of the concepts of “regulating” and “supporting” agriculture are given, the system of state support for agriculture is considered, a comparative analysis of sources of financing investments in fixed capital in the Republic of Uzbekistan and a separate agricultural sector is made. The average level of economic growth and the level of capital intensity were calculated using the ICOR model to support economic growth in agriculture. Also, proposals and recommendations were made to improve the system of state support for agriculture.

Keywords: agriculture, food security, “regulation”, “support”, fixed assets, investment, ICOR model.

Кириш. Ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг салмоқли қисмининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг асосий дастурий мақсадларидан бири бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг муҳокама мавзусига айланиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган тизимли инқироз ва сиёсий беқарорлик шароитида кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси кескин аҳволга тушиб қолган бир пайтда, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кескинлашди ва зудлик билан ҳал қилишни тақозо этмоқда [1].

Замонавий шароитларда агросаноат мажмуаси ўз маҳсулотлари рақобатбардошлигининг

нисбатан паст даражаси билан ажралиб туради. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришининг технологик қуролланганлик даражасинининг пастлиги, юқори даражадаги инвестицион эҳтиёжларининг мавжудлиги тармоқнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими манзиллигини оширишни тақозо қилади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг асосий мақсадларидан бири қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсификация ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йил-

лик ўсишини камида 5 фоизга етказиш ҳисобланади [2]. Ушбу мақсадда қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтиришнинг янги механизмларини амалга ошириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади...”[3]. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги молиявий механизмларини асослаш, айниқса, иқтисодий рақамлаштириш даврида янги молиявий дастаклардан фойдаланишдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий асосларнинг ишлаб чиқилиши фандаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалигида фаолият олиб боровчи тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий механизмларини амалиётда жорий этишда бир қанча молиявий-иқтисодий муаммоларга дуч келинади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги тармоғи иқтисодийнинг ўзига хос хусусияти сифатида уларда асосий маҳсулотнинг йилига бир (ёки икки) марта яратилиши, энг юқори ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқа-

ришга ихтисослашганлиги ушбу тармоқни, барча мамлакатларда кузатилганидек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими амал қилишига эҳтиёжни вужудга келтиради.

Ушбу йўналишда иқтисодчи олимлар Ж.Пенсон [4], М.Л.Лишанский [5], Э.Барклей[6], Б.Чарлз [7], Б.Элдон[8], В.Сладкова [9], И.А.Минаков [10], В.А.Кундиус [11], Л.А.Третьяк [12] ва бошқа олимларнинг асарларида қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий ҳамда амалий асослари ўз ифодасини топган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашга доир масалаларни тадқиқ этишга мамлакатимиз ва хорижий олимлардан У.Умурзаков [13], А.Абдуганиев [14], Ч.Муродов, Р.Сатторов [15], Р.Ҳакимов [16] ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Умуман, иқтисодийга давлат аралашувининг бир қатор шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилинишини кўришимиз мумкин. Хусусан, ушбу масалада “Тартибга солиш”, “Қўллаб-қувватлаш” ёки ушбу тушунчалар нуқтаи назардан “Молиявий тартибга солиш” ва “Молиявий қўллаб-қувватлаш” тушунчаларига турлича аниқлик киритилаётганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодчи олимлар томонидан “тартибга солиш”, “қўллаб-қувватлаш” тушунчаларининг талқинлари

№	Иқтисодчилар	Тартибга солиш	Қўллаб-қувватлаш
1.	С.Кузнецов		+ (Умумий)
2.	Э.Барклей	+ (Бевосита аграр соҳа)	
3.	Ч.Мосс		+ (Бевосита аграр соҳа)
4.	Э.Балл		+ (Бевосита аграр соҳа)
5.	Зви Боди, Р.Мертон	+ (Умумий)	
6.	А.Е.Хутз	+ (Умумий)	
7.	Л.Дикан, Ю.Холуб	+ (Умумий)	

Манба: интернет манбалари асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

Умумий контекстда “Тартибга солиш” тушунчаси макроиқтисодий сиёсатда маълум тармоқлар ёки ҳудудлар фаолиятини манипуляция қилишнинг инструментларини ўзида мужассамлаштириб, “Қўллаб-қувватлаш” тизими унинг бир асосий йўналиши ёки элементи сифатида кўриб ўтилади. Хусусан, макроиқтисодий тартибга солиш тизимидаги маълум тармоқлар, ҳудудлар ёки тадбиркорлик субъектларини “Қўллаб-қувватлаш” тизими – “маълум мақсадли режалар, дастурлар ёки лойиҳаларни реализация қилиш ва уларнинг истиқболда барқарор фаолиятини таъминлашга кўмаклашадиган чора-тадбирлар ва инструментлар мажмуаси, қулай шарт-шароитлар яратиш” деб эътироф этиш мумкин. Ушбу таърифда молиявий қўллаб-қувватлашнинг конкрет объектларига урғу

берилган бўлиб, алоҳида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг объекти уларда ташкил қилинадиган кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Иқтисодчи С.Кузнецов тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларини назарий жиҳатдан тизимлаштириб, жараёнли парадигма сифатида унинг бир қанча муҳим илмий-иқтисодий тадқиқот қоидаларини ёритиб берган. Хусусан, “Молиявий қўллаб-қувватлаш” концепцияси пул маблағлари ёки моддий активларнинг комбинацияси сифатида тақдим этилишини эътироф этади [17].

Америкалик иқтисодчилар Зви Боди ва Роберт Мертон[18] молиявий қўллаб-қувватлаш тизимига аниқлик киритиб, молиявий қўллаб-қувватлаш тизими сифатида маълум объектлар-

га нисбатан қабул қилинадиган тадбирларни амалга ошириш ҳаракатлари мажмуаси ва кетма-кетлиги эканлигини илгари суришган. Улар молиявий таъминот билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш тизими молиявий категория сифатида молиянинг иқтисодий моҳияти ва функцияларига асосланиши лозимлигини эътироф этишади.

Иқтисодчи С.В.Барулин, молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини икки томонлама жараён сифатида кўриб ўтади[19]. Унинг фикрича, молиявий қўллаб-қувватлаш тизими алоҳида иқтисодий агентларнинг молиявий таъминот тизимини маълум ноаниқликлар шароитида оптимал таъминлашни мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Иқтисодчи И.В.Зиятковскийнинг фикрича, молиявий қўллаб-қувватлаш яхлит тизим сифатида жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалари барқарор ривожланишини молиявий таъминлаш учун қулай муҳит яратадиган молиялаштириш манбалари ва шакллари тизимидир[20].

Т.В.Соколская қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимига аниқлик киритиб, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларини асосий ва айланма, хусусий ва қарз маблағлар билан таъминлаш, етарли ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун қулай молиявий шарт-шароит яратиш тизими эканлигини таъкидлайди[21]. Иқтисодчи В.М.Опариннинг фикрича, маълум соҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд молиялаштириш тизими базасида амалга оширилади. Унинг уч асосий шакли мавжудлигини эътироф этиб ўтган[22]. Булар: ўзини ўзи молиялаштириш, кредитлаш тизими ва ташқи молиялаштиришнинг бошқа бозор ва нобозор шакллари. Молиявий қўллаб-қувватлашнинг ушбу шаклларида фойдаланиш жамият ривожланишининг у ёки бу босқичларида ташкил қилинадиган оптимал муносабатларга таянади.

“Молиявий қўллаб-қувватлаш” тизими борасида иқтисодчилар Л.В.Дикан ва Ю.О.Холуб кўйидаги муҳим фикрларни тизимлаштиришган “...корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш кенг маънода такрор ишлаб чиқаришнинг зарур ҳажми учун зарур харажатларни молиявий таъминлаш орқали корхонанинг барқарор ривожланишини мувофиқлаштирадиган чора-тадбирлар ва шарт-шароитлар мажмуасини ўзида мужассамлаштиради” [23]. Ушбу ёндашувни А.Е.Хутз ҳам илгари суриб, молиявий қўллаб-қувватлаш тизимига маълум иқтисодий субъектлар меъёридаги фаолияти учун зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш имконияти [24] сифатида аниқлик киритади.

Юқоридаги берилган таърифлар синтези асосида таъкидлаш мумкинки, *молиявий қўллаб-қувватлаш тизими иқтисодий агентларнинг молиявий эксплуатацион эҳтиёжларини тўлақонли қондириш ва мақсадли молиялаштириш учун давлат томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш ва тўплаш билан боғлиқ тизимли жараёндир.*

Бу борада маълум тармоқ, хусусан, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш тизимига оид илмий қарашларда нисбатан батафсил берилишини кўришимиз мумкин. Масалан, Эндрю Барклей қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими тармоқ тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти учун қулай молиявий муҳит ва ресурсларни шакллантиришга йўналтирилган давлат тадбирлари мажмуаси эканлигини илгари суриб, ушбу жараён фискал, монетар ва бошқа молиявий инструментлар воситасида амалга оширилишига аниқлик киритган [25]. В.Элдон Балл, Роберто Фанфани ва Лучано Гутеррез эса қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашда фискал ва монетар инструментлар, давлат субсидияларига алоҳида эътибор бериб ўтишган [26].

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, индукция-дедукция каби назарий усуллардан ва кузатиш, статистик таҳлил, вертикал ва горизонтал таҳлил, иқтисодий-математик каби эмпирик усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (FAO) эътироф этишича, охириги прогнозларни ҳисобга олган ҳолда 2050 йилга қадар жаҳон аҳолисининг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган истеъмол маҳсулотларини 2012 йилга нисбатан деярли 50 %га ошириш талаб қилинади[27]. Бироқ ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг энг юқори ўсиши 1960-2015 йилларга тўғри келиб, ушбу даврда қарийиб 3 баробарга ортган. Бироқ ушбу даврдаги ўсиш нисбатан экстенсив тавсифга эга бўлиб, иқлим ўзгариши, ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида табиий ресурсларга босимнинг кучайиши, тармоқ интенсив ривожланишига йўналтириладиган инвестицион эҳтиёжларнинг етишмаслиги кейинги истиқболдаги даврларда тармоқни ривожлантириш муаммоларини келтириб чиқарди.

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (IFAD) ва жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги дастурининг (WFP) тасдиқлашича, тармоқ ривожланиши учун инвестициялар ва давлатнинг ижтимоий харажатлари 2030 йилга қадар даромадларни изчил ошириш ва озиқ-овқат

маҳсулотларининг аҳолининг барча ижтимоий қатламлари томонидан етарли истеъмол қилиниши имкониятларини яратмасдан, глобал миқёсдаги очлик билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишга қодир эмас [28].

Иқтисодийнинг қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланиш тенденциясида бир қатор фундаментал тавсифдаги муаммолар мавжудки,

ушбу муаммолар нафақат тармоқнинг барқарор ривожланиши, балки иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Амалга оширган таҳлилларимиз натижасида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимидаги мавжуд муаммоларни қуйидаги (1-расм) тарзда тизимлаштириш мумкин.



1-расм. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимидаги муаммолар

Манба: расм муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

Қуйидаги муаммолар тизимли тавсифга эга бўлиб, уларни ҳал қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган устувор йўналишларнинг самарали ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш тизимидаги мавжуд муаммолар (2-жадвал) ва

такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда реал бозор муносабатлари хўжалик механизми тўлиқ жорий қилинмаслиги оқибатида молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги паст даражаси кузатилиб, бу кўп ҳолларда тармоқ ички хўжалик механизмини бозор талаблари асосида конструктив жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

2-жадвал

Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

Камчиликлари	Ривожланиш йўналишлари
<ul style="list-style-type: none"> – ҳудудлардаги тармоқ иқтисодий ва инвестицион салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий дастурларни самарали амалга ошириш молиявий имконияларининг етарли эмаслиги ва ҳудудий тафовутнинг юқори кўлами; – марказий ва маҳаллий даражадаги қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш дастурларини молиялаштиришнинг ягона ёндашувини ишлаб чиқишга эҳтиёжнинг мавжудлиги; – тармоқни ривожлантиришга давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ички тармоқ ва ташқи инвестицион ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ трансформациялаш жараёнларига йўналтирилган дастурларнинг ишлаб чиқилмаганлиги 	<ul style="list-style-type: none"> – глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ички корпоратив ва ташқи молиялаштириш манбаларини жалб қилиш чораларини ишлаб чиқиш; – қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда жорий истеъмол тавсифидаги трансфертлар тизимидан ривожланиш бюджетини шакллантиришга йўналтирилган давлат ва ҳудудий манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини жорий қилиш; – ҳудудларда инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашда аҳолининг кам таъминланган қатлами учун озиқ-овқат захираларини шакллантириш; – вилоятлар кесимида марказлашган гаров фондларини шакллантириш

Манба: жадвал муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

Гарчи, республикамызда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига асосланган тизимли ислохотлар амалга оширилади бўлса-да, ушбу стратегияни ҳудудлар кесимида амалга оширишнинг реал механизмлари тактик вазифалари алгоритмини мукамал ишлаб чиқиш тақозо қилинади. Стратегияда белгиланган устувор йўналишлар кесимидаги ислохотларни ҳудудларда амалга ошириш селектив тавсифга эга бўлиши керак. Чунки ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ер ресурслари фонди ва тармоққа хос бўлган иқтисодий-ресурс потенциали ҳудудлар кесимида нотекис тақсимланган. Бу, ўз навбатида, тармоқни давлат томонидан қўл-

лаб-қувватлашнинг манзилли механизмини такомиллаштиришга ҳам таъсир этади.

Айни пайтдаги тармоқ тадбиркорлик субъектларида кузатилаётган иқтисодиётдаги ўртача рентабеллик даражасидан паст кўрсаткич, контрагентлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги сурункали кредиторлик қарздорлик, банк кредитлари бўйича қарздорлик тармоқ тадбиркорлик субъектларини кредит, суғурта механизми ва ноанъанавий молиялаштириш механизмларидан фаол фойдаланиш бўйича бир қатор тизимли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммолар ва уларни ечимлари бўйича фикрларимиз қуйидаги 3-жадвалда ифодаланган.

3-жадвал

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурлари билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари

Йўналишлар	Муаммолар	Ҳал қилиш йўллари бўйича таклифлар
Имтиёзли кредитлашга субсидиялар ва лизинг орқали молиялаштириш тизими	<ul style="list-style-type: none"> – фермер хўжаликлари кредит муносабатларида гаров қиймати ва объектларининг етишмаслиги; – тармоқ корхоналари иқтисодий рентабеллик нормасининг нисбатан паст кўрсаткичи шароитида жалб қилинган капиталлар қийматининг юқори даражадаги молиявий дастак самарасининг паст даражаси; – кредит фоизларига субсидиялаш шаклидаги имтиёзли инвестицион кредитларни расмийлаштириш ҳужжатларининг мураккаблиги ва юқори трансакцион харажатлар қарз қийматининг юқори даражасини таъминлашга таъсир этмоқда 	<ul style="list-style-type: none"> – ЖСТ чекловларини ҳисобга олган ҳолда гаров тақдим этиш шартларини ўзгартириш, махсус кредит гаров фондиди ташкил қилиш; – кредит муносабатларида келажақдаги ҳосилдан кредит гарови сифатида фойдаланиш амалиётини ривожлантириш; – имтиёзли кредитлаш учун банкни танлаш эркинлигини таъминлаш; – кредит фоизлари учун субсидия олиш мақсадида фермер хўжаликлари фаолиятини баҳолаш
Суғурта бадалларини субсидиялаш	<ul style="list-style-type: none"> – суғурта ҳодисаси кузатилишининг тез частотаси натижасида тўловларни тўламаслик ҳолатлари; – суғурта ҳодисаси ва ушбу ҳодиса бўйича қўрилган зарарларни қоплашдаги пулни қайтариш ўртасидаги вақт ораллиғидаги даврий узилишларнинг юқорилиги; – суғуртанинг юқори частотаси ҳисобига суғурталовчиларнинг молиявий захира имкониятларининг заифлиги 	<ul style="list-style-type: none"> – қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини ва суғурта даъволарини бартараф этишнинг ягона услубиётини шакллантириш; – замонавий “FinTech” инструментлари асосида қайта суғурталаш тизимининг механизмини ишлаб чиқиш

Манба: муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

Юқоридаги молиявий хизматлар бўйича мавжуд муаммолар қишлоқ хўжалиги инвестицион жозибдорлигига таъсир кўрсатувчи молиявий омиллар ҳисобланиб, ушбу муаммолар тармоққа инвестицияларни молиялаштиришнинг корпоратив манбаларини жалб қилиш орқали инвестицион фаолликни юқори суръатда оширишга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар бўлиб ҳизмат қилмоқда.

4-жадвалдан кўришимиз мумкинки, асосий капиталга киритилган инвестициялар 2021 йилда 239552,6 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, шундан 17727,9 млрд. сўм ҳажмидаги инвестициялар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги асосий капиталига киритилганлигини кўриши-

миз мумкин. 2017 йилга нисбатан 2021 йилдаги иқтисодиётнинг асосий капиталига киритилган жами инвестицияларнинг ўсиш суръати 332,0 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 336,3 фоизни ташкил қилиб, нисбатан юқори ўсиш кузатилган.

Таҳлил қилинаётган даврда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръати 2018-2019 йилларда кузатилган (мос равишда 151,6 ва 152,6 % нисбатларда). Лекин ҳар иккала даврда ҳам республика иқтисодиёти асосий капиталига киритилган инвестициялар йиллик ўсиш суръатидан паст бўлган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги тармоғига киритилаётган инвестициялар тўғрисида маълумот

Худудлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2017 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш, фоизда
Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм	72155,2	124231,3	195927,3	210195,1	239552,6	332,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига киритилган инвестициялар, млрд. сўм	5271,4	7991,9	12199,1	14776,8	17727,9	336,3
Республика иқтисодиёти асосий капиталига жами киритилган инвестицияларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғига киритилган инвестицияларнинг улуши, фоизда	7,31	6,43	6,23	7,03	7,4	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Лекин республика тармоқлари бўйича жами асосий капиталга киритилган инвестицияларда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши таҳлил қилинаётган даврларда 6,23-7,4 фоиз диапазонида тебранмоқда. Ушбу кўрсат-

кич тармоқ ривожланишига асосий капиталга киритилаётган инвестициялар бўйича республика иқтисодиётининг бошқа тармоқларига нисбатан паст кўрсаткични ташкил қилмоқда.

Инвестициялар ЯИМдаги улушининг ўртача кўрсаткичи ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғига киритилган инвестицияларнинг тармоқдаги ялпи қўшилган қийматидаги улуши

Йиллар	I(g)/GDP, фоизда	I(A)/GVA, фоизда	Йиллар	I(g)/GDP, фоизда	I(A)/GVA, фоизда
2005	19,88	3,3	2014	20,15	2,69
2006	19,13	3,1	2015	20,24	2,13
2007	20,94	3,07	2016	20,06	3,99
2008	24,52	3,4	2017	22,73	5,2
2009	25,38	4,19	2018	29,25	7,03
2010	26,39	2,5	2019	37,01	9,36
2011	24,76	3,07	2020	34,9	9,77
2012	24,97	2,94	2021	32,61	9,66
2013	19,89	3,13			

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.


Республика иқтисодиёти тармоқларига нисбатан инвестицион фаолликнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигидаги нисбатан паст даражасини таҳлил қилишда 5-жадвалдаги статистик маълумотлар асосидаги полуноминал тренддан фойдаланамиз (2-расм).

Маълумотлардан кўриш мумкинки, 2005-2021 йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улушининг ўртача кўрсаткичи $I(g)/GDP$ 19,13 (2006)-37,01 (2019) фоиз диапазонида тебранмоқда. Ушбу даврдаги қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғига киритилган инвестицияларнинг тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 2,13 (2015)-9,77 (2020) фоиз диапазонида тебранмоқда.

Таҳлил қилинаётган даврдаги инвестицияларнинг ЯИМдаги улушининг полиноминал тренди ўсиш тавсифига эга бўлса-да, ушбу ўсиш кучли хаотик тебранишларни тавсифлайди ($R^2=0,5372$). Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тар-

моғи асосий капиталига киритилган инвестицияларнинг тармоқ қўшилган қийматидаги улуши полиноминал тренди республика иқтисодиётига нисбатан заиф даражада бўлса-да, ўсиш тенденциясини намоён қилиб, нисбатан барқарор ($R^2=0,5372$) ўсиш тренди кузатилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётда яратиладиган ЯИМдаги улушига нисбатан тармоққа киритилаётган инвестицияларнинг улуши паст даражани ташкил қилмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалиги тармоғининг аҳамияти юқорилиги, тармоқни ривожлантиришдаги мавжуд табиий ресурс ва меҳнат ресурслари салоҳиятини инобатга олган ҳолда асосий капиталга инвестицияларни жалб қилишнинг тармоқ дастурини ишлаб чиқиш ва ушбу дастурга мувофиқ:



2-расм. Инвестициялар ЯИМдаги улушининг ўртача кўрсаткичи ва қишлоқ хўжалигига киритилган инвестицияларнинг тармоқдаги ялпи қўшилган қийматдаги улушининг полиномиал трендлари

Манба: 5-жадвалдаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

биринчидан, республика иқтисодиётига асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ўртача даражасидан кам бўлмаган даражада инвестицияларни жалб қилиш. Бунда ялпи қўшилган қийматдаги инвестициялар улушининг, таҳлилларга асосланган ҳолда, 20 %дан кам бўлмаган даражасини таъминлаш;

иккинчидан, ушбу асосий капиталга инвестицияларни жалб қилишда уни молиялаштириш манбалари таркибида корпоратив манбалар улушини янада ошириш;

учинчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тармоқдаги юқори қўшилган

қиймат занжирини яратишга шарт-шароит яратувчи истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга жалб қилиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича ўртача республика ва аграр тармоғига оид тенденцияларнинг солиштирма таҳлилин кўрадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида бюджет инвестициялари ҳисобига амалга оширилаётган марказлаштирилган инвестицияларнинг юқори даражаси сақланиб қолинаётганлигини кўришимиз мумкин.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва алоҳида қишлоқ хўжалиги тармоғида асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг солиштирма таҳлили (жамига нисбатан фоизда)*

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Ўзбекистон Республикаси жами иқтисодиёт тармоқлари бўйича					
Асосий капиталга киритилган инвестицияларда давлат бюджетининг улуши, фоизда	4,8	4,5	9,0	6,8	9,3
Асосий капиталга киритилган инвестицияларда чет эл инвестиция ва кредитларининг улуши, фоизда	23,8	24,3	43,6	42,7	42,3
Асосий капиталга киритилган инвестицияларда корхоналар ва аҳоли маблағларининг улуши, фоизда	47,3	42,0	29,3	40,8	38,0
Асосий капиталга киритилган инвестицияларда банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари улуши, фоизда	12,6	17,8	13,8	7,6	8,0
Бошқа манбалар улуши, фоизда	11,5	11,4	4,3	2,1	2,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари бўйича					
Асосий капиталга киритилган инвестицияларда давлат бюджетининг улуши, фоизда	12,7	11,4	15,9	11,8	17
Асосий капиталга киритилган инвестицияларда чет эл инвестиция ва кредитларининг улуши, фоизда	16,4	13,3	41,4	45,5	33,2
Асосий капиталга киритилган инвестицияларда корхоналар ва аҳоли маблағларининг улуши, фоизда	20,8	22,2	9,3	11,3	17,1
Асосий капиталга киритилган инвестицияларда банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари улуши, фоизда	28,4	29,1	16,7	12,7	15,5
Бошқа манбалар улуши, фоизда	21,7	24	16,7	16,6	17,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўпламлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Кўриниб турибдики, жами иқтисодиёт бўйича инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2017 йилда 5,8 % ва 2021 йилга келиб, 9,3 фоизни ташкил қилмоқда. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғи бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу кўрсаткич 2017 йилда 12,7 фоизни ва 2021 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 17 фоизни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари асосий капиталга киритилган инвестицияларда чет эл инвестиция ва кредитларининг улуши 2021 йилда 33,2 фоизни ташкил қилиб, ушбу инвестицияларнинг салмоқли қисми ҳам марказлаштирилган инвестициялар сифатида ҳукумат кафолатлари остида жалб қилинган инвестициялар ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири бўйича бир қатор

тизимлаштирилган моделлар мавжуд. Шулардан бири капитал ва иқтисодий ўсишнинг нисбати моделини [29] (ICOR, Incremental Capital-Output Ratio) кўришимиз мумкин. Ушбу модель, асосан, миллий иқтисодиётга нисбатан ҳисобланиб, унинг ёрдамида иқтисодий ўсишнинг капитал сиғимлилик даражасини аниқлаш мумкин бўлади.

$$ICOR = \frac{\frac{\Delta K}{Y}}{\frac{\Delta Y}{Y}} = \frac{(\frac{I_{t-1}}{Y_{t-1}} + \frac{I_t}{Y_t})/2}{\frac{Y_t}{Y_{t-1}} - 1} \quad (1)$$

Ушбу формула орқали мамлакат ёки тармоқлардаги иқтисодий ўсишнинг ўртача даражаси ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг капитал сиғими даражасини солиштириш воситасида тармоққа инвестицияларни жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мумкин бўлади.

6-жадвал


Иқтисодий ўсишнинг ўртача даражаси ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг капитал сиғими даражаси ICOR модели*

Йиллар	I_t/Y_t	Y_t/Y_{t-1}	ICOR	I_t/Y_t	Y_t/Y_{t-1}	ICOR(A)
2014	20,2	6,9	2,92	2,69	6,00	0,45
2015	20,2	7,2	2,81	2,13	6,10	0,35
2016	20,1	5,9	3,40	3,99	6,20	0,64
2017	22,7	4,4	5,17	5,20	1,20	4,34
2018	29,2	5,4	5,42	7,03	1,30	5,41
2019	37,0	5,7	6,49	9,36	3,10	3,02
2020	34,9	1,9	18,37	9,77	2,90	3,37
2021	32,6	7,4	4,41	9,66	4,00	2,42

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўпламлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

6-жадвал ҳисоб-китоблари асосида иқтисодий ўсишнинг капитал сиғимини ўзида мужассамлаштирувчи ICOR моделининг Республика бўйича ўртача ($ICOR(E)$) ва Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғи ($ICOR(A)$) бўйича кўрсаткичлари ҳисобланди. 3-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Республика бўйича ўртача иқтисодий ўсиш (ЯИМ) суръатининг капитал сиғими қишлоқ хўжалиги тармоғига нисбатан

таҳлил қилинаётган даврларда юқори бўлган ($ICOR(E) \geq ICOR(A)$). Айниқса, 2020 йилда $ICOR(E)$ кўрсаткичи 18,37 ни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич COVID 19 глобал пандемияси натижасидаги иқтисодий турғунлик таъсирида иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши заиф иқтисодий ўсишнинг капитал сиғими юқори кўрсаткичининг кузатилишига таъсир этган.



3-расм. ICOR модели Республика бўйича ўртача ($ICOR(E)$) ва Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғи ($ICOR(A)$) кўрсаткичлари*

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўпламлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

2021 йилда ICOR(E) кўрсаткичи 4,41 ни ташкил қилиб, бу, ўз навбатида, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар 4,41 бирликни ташкил қилганда, ЯИМнинг ўсиши 1 бирликни ташкил қилиш имкониятларига эгаллигини аналитади. Шунингдек, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғидаги иқтисодий ўсишнинг капитал сифими (ICOR (A)) 2,42 ни ташкил қилаётганлиги тармоққа жалб қилинаётган инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга самарали таъсирининг Республика иқтисодиёти бўйича ўртача кўрсаткичдан юқорилигини тасдиқлайди.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг ҳозирги тенденциялари ва давлат озиқ-овқат суверенитетини сақлаш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли стратегияни рўёбга чиқариш ва ушбу стратегияни самарали реализация қилишнинг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги такрор ишлаб чиқариш жараёнини сифат ва миқдор жиҳатдан самарали ташкил қилиш, тармоқни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг замонавий меанизмларини ишлаб чиқиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва экологик соғлом қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар асосидаги мулоҳазаларимизни тизимлаштирадиган бўлсак:

биринчидан, қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланишини таъминлаш, ақлли

қишлоқ хўжалигини амалга ошириш билан боғлиқ истиқболли ривожланиш йўллари амалга ошириш учун тармоқ инвестицион ресурсларга кучли эҳтиёж сезади;

иккинчидан, тармоққа жалб қилинадиган инвестицияларнинг ҳажмини ошириш орқали республика даражасидан паст бўлмаган [30] кўрсаткични таъминлаш орқали нафақат тармоқдаги юқори мултипликатив иқтисодий ўсишни, балки мамлакатдаги юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

учинчидан, фикримизча, тармоқни ривожлантиришга инвестициялар кенг жалб қилиш билан параллель равишда давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини қисқартириш, тармоқни инновацион ривожлантириш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришга инвестициялар молиялаштиришнинг марказлашмаган, корпоратив манбаларини жалб қилишнинг манзилли механизмини ишлаб чиқиш зарур. Бунда қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш жараёнининг ягона интеграллашган ташкилий-иқтисодий шакли ҳисобланган агросаноат кластерларини ташкил қилиш улкан имкониятларга эга.

Агротармоқлар замонавий шароитларда қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришга капиталларнинг концентрациялашувини ташкил қилишдаги оптимал ташкилий-иқтисодий ёндашув, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг инвестицион жозибадорлиги ва марказлаштирилмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларини фаолиятга кенг жалб қилишдаги истиқболли имкониятларни ўзида мужассамлаштиради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ["Food and Agriculture Organization | United Nations organization"](#). Encyclopedia Britannica. Retrieved 31 December 2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" 30-мақсади.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь, № 276 (7778).
4. Penon John. Introduction to Agricultural Economics (What's New in Trades & Technology) 7th Edition (2022).
5. Лишанский М.Л. Краткосрочное кредитование сельскохозяйственных предприятий. Учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
6. Andrew Barkley. Principles of Agricultural Economics 3rd Edition. 2020.
7. Charles B.Moss. Agricultural Finance (Routledge Textbooks in Environmental and Agricultural Economics). 2013.
8. V. Eldon Ball, Roberto Fanfani, Luciano Gutierrez. The Economic Impact of Public Support to Agriculture. 2010.
9. Сладкова Т.В. Государственная поддержка сельского хозяйства как фактор повышения конкурентоспособности АПК в условиях ВТО. / Т.В.Сладкова, Н.И.Пыжикова; Сибирский федеральный университет. – Красноярск: Сибирский федеральный университет (СФУ), 2016. – 124 с.
10. Минаков И.А., Сабетова Л.А., Касторнов Н.П. и др. Экономика сельскохозяйственного предприятия 2-е изд., пер. и доп. Учебник. / Под ред. И.А.Минакова. – М.: ИНФРА-М, 2018. – 363 с. 2. Минаков И.А. Экономика предприятий АПК. Учебник. / И.А.Минакова. – Изд-во Мичуринского госагроуниверситета, 2019.
11. Кундиус В.А. Экономика агропромышленного комплекса. Учебное пособие для системы доп. проф. образования; доп. МСХ РФ [Текст]. / В.А.Кундиус. – М.: Кнорус, 2013.
12. Третьяк Л.А., Белкина Н.С., Лиховцева Е.А. Экономика сельскохозяйственной организации. Учебное пособие. 2-е изд. [Текст] / Л.А.Третьяк. – М.: ИТК Дашков и К, 2015.
13. Умурзаков У., Сангирова У. Экономика АПК. Учебное пособие. – Т.: ТИИМСХ, 2019. – 300 стр.
14. Абдуганиев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик, 2011.
15. Муродов Ч., Саттаров Р. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

16. Хакимов Р. *Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслик.* – Т., 2007.
17. Kuznetsov S.A. *Great Dictionary of the Russian language.* – St. Petersburg, "Norint".
18. Bodi Zv., Merton R.K. *Finance.* – Moscow: Publishing House "Williams", 2013. Bolshakov S.V. *Finance companies. Theory and practice.* – Moscow: Book World, 2006. – 617 p.
19. Barulin S.V. *Finance.* – Moscow: KNORUS, 2010. – 640 p.
20. Zyatkovskyy I.V. *The financial support of business.* – Ternopol, *Economic thought*, 2000. – 215 p.
21. Sokolska T.V. *Financial support for agriculture. Economy and management of agribusiness*, issue 1, 2014, p. 140-146.
22. Oparin V.N. *Finance (general theory).* – Kyiv, Kyiv National Economic University, 2001. – 240 p.
23. Dikan L.V., Holub Yu.O. *Financial support for the enterprise: the nature and source. Economy Development*, issue 3 (43), 2007, p. 65-68.
24. Hutz E.E. *Provision of farm financial resources in a time of change and stabilization. Economy AIC*, issue 3, 2007, p. 46-53.
25. Andrew Barkley. *Principles of Agricultural Economics 3rd Edition.* 2020.
26. V.Eldon Ball, Roberto Fanfani, Luciano Gutierrez. *The Economic Impact of Public Support to Agriculture.* 2010.
27. FAO, 2017. *The future of food and agriculture – Trends and challenges.* Rome. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.fao.org/3/a-i6583e.pdf> 25.03.2021.
28. FAO, IFAD & WFP. 2015. *Achieving Zero Hunger. The critical role of investment in social protection and agriculture.* Rome, FAO.
29. Reinhart, Carmen M. «Comment» on Giancarlo Corsetti, Paolo Pesenti, and Nouriel Roubini: «Fundamental Determinants of the Asian Crisis: The Role of Financial Fragility and External Imbalances», in Takatoshi Ito and Anne Krueger, eds. *Regional and Global Capital Flows: Macroeconomic Causes and Consequences* (Chicago: University of Chicago Press for the NBER, 2001), 42-45. ISBN 9780226386768.
30. ЯИМга нисбатан 20 фоиздан наст бўлмаган инвестицияларни жалб қилиш назарда тутилмоқда.